Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 1 декабрь, № 248 (7206) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ХАЛҚИМИЗ РОЗИЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Урганч шаҳридаги «Ниҳол» инновацион мактаби фаолияти билан танишди.

Жорий йил сентябрь ойида фаолият бошлаган ушбу нодавлат таълим муассасаси бошланғич синфларга ментал арифметикани ўргатишга ихтисослаштирилган. Бундан ташқари, бу ерда инглиз, рус тили фанлари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида шахмат тўгараги ташкил этилган.

Мактаб қурилишига 3 миллиард 350 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, ҳозирги кунда инглиз тили, рус тили, ментал арифметика, мактабга тайёрлов, тез ўқиш каби ўқув курслари фаолият юритмоқда.

Мактабда 19 та фан хонаси, кутубхона, ошхона, спорт зали, ҳамшира, ўқитувчилар хоналари, фаоллар зали мавжуд.

Нодавлат таълим муассасаси 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қўшимча 500 ўринли янги ўқув биноси барпо этиш режалаштирилмоқда. Шу боис мактаб раҳбарияти таълим муассасаси ёнидан қўшимча ер майдони ва 6 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олишни мўлжалламоқда. Янги ўқув биноси фойдаланишга топширилса, яна 50 иш ўрни ташкил этилади.

Президентимиз мактабдаги шароитларни кўздан кечирар экан, таълим муассасасининг мазкур ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Бугунги кунда вилоятдаги 12 та «Баркамол авлод» болалар бадиий ижодиёт марказида 4 минг 700 дан ортиқ ўқувчилар 213 та тўгаракка жалб этилган. Бироқ ушбу марказларда ментал арифметикани ўқитиш бўйича мутахассислар йўқ.

«Ниҳол» инновацион мактаби таълим услубларини «Баркамол авлод» болалар бадиий ижодиёт марказларига жорий этиш ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини янада ошириш имконини беради.

Аввало, болаларнинг маънавиятига эътибор беришимиз, уларни тарихимизга қизиқтиришимиз керак. Болаларга билимни турли ўйинлар орқали бериш зарур, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ментал арифметикага бўлган талабни эътиборга олган ҳолда, уни ўқитиш методологиясини такомиллаштириш, ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятини юксалтириш, мактабни энг намунали таълим муассасаларидан бирига айлантириш юзасидан зарур тавсиялар берди. Мутасаддиларга мактабга автобус, ўқувчиларга планшет совға қилиш вазифаси топширилди.

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак саркарда Жалолиддин Мангуберди жасорати унутилмасдир. Унинг синмас иродаси, қудратига ғанимлар ҳам таҳсин айтган. Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги вакили бўлган саркарданинг фавқулодда иқтидори, буюк жасоратига ҳали-ҳамон жаҳон аҳли ҳайрат билан қарайди. У ҳақда минглаб мақолалар, китоблар ёзилди, қўшиқлар қуйланди. Бугун бобомизнинг шарафли номи халқимиз қалбида улуғланади. Мамлакатимизда кўча ва хиёбонларга саркарда номи берилган, «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилган, Урганч шаҳрида ҳайкали ўрнатилган.

Президентимиз Урганч шаҳар марказида Ал-Хоразмий ва Паҳлавон Маҳмуд кўчалари кесишмасида бунёд этиладиган Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи лойиҳаси билан танишди.

Шаҳар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Тарихий ва замонавий анъаналар уйғунлигида янги бинолар, уй-жойлар барпо этилмоқда. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда буюк аждодларимиз меросини абадийлаштириш, улардан мерос хислатларни ёшларимиз онгига ҳам сингдириш, улар қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жалолиддин Мангуберди ҳайкали буюк бобомизнинг жасорати ва шону шавкатига мос маҳобатли бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бу майдон тарихимиз кўзгуси, Хоразмнинг «ташриф қоғози» бўлиши керак. Шунинг учун тарихчи олимлар билан маслаҳатлашиб, майдонни чуқур мазмунли, бетакрор ва муаззам ансамблга айлантириш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз боғ ҳудудини кенгайтириш ва ободонлаштириш, бунда кўпроқ тарихийликни акс эттириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Урганч шаҳри марказини батафсил режалаштириш, кўп қаватли уй-жойлар қуриш, иссиқлик ва ичимлик суви таъминотини яхшилашга доир лойиҳалар бўйича ҳам маълумот берилди.

Урганч шаҳрида халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий шароитларини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Жорий йилда вилоятда 312 та инвестиция лойиҳаси бажарилиб, янги корхоналар ишга туширилган. Йил якуни бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 16 фоиз, экспорт 22 фоиз ўсиши кутилмоқда.

100 та давлат ва хусусий мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиб, болаларни боғчаларга қамраб олиш 33 фоизга етган.

Хоразм учун муҳим бўлган электр энергияси ва тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. 254 километр электр, 456 километр сув тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Жорий йилда халқимизнинг ҳаётини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилинган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 27 та қишлоқ ва маҳаллада кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 14 мингта якка тартибдаги уй ва 75 та кўп қаватли тураржой, кўплаб муҳандислик тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари таъмирланди. Ушбу ишларга жами 236 миллиард сўм маблағ сарфланди. Келаси йили «Обод қишлоқ» дастурига мувофиқ, вилоятда 30 та қишлоқда ва «Обод маҳалла» дастури доирасида 2 та шаҳарнинг 6 та маҳалласида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Президентимиз ўтган даврда яратилган иш ўринлари етарли эмаслиги, вилоятда ишсизлик сақланиб қолаётганини таъкидлади. Иқтисодиёт тармоқларини кўпайтириш, янги саноат корхоналари ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандлик даражасини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Хоразм вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Фарҳод Эрманов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз вилоят раҳбарлари Хоразм халқи билан бир тану бир жон бўлиб, бугун белгилаб берилган вазифаларни тўла бажариши, иқтисодиётни ривожлантириш ва одамлар ҳаётини яхшилаш бўйича кутилган натижаларга эришиши зарурлигини таъкидлади.

Сессияда сўзга чиққанлар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни бажариш йўлида вилоят аҳли астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

Шу билан Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

Умар АСРОРОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ф. У. ЭРМАНОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Фарҳод Уразбоевич Эрманов Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.

Сув ва канализация тармоқларини, шу жумладан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.

Бироқ бу борада кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал этилмаган муаммолар ҳамон мавжуд.

Хусусан, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид зарур барча ахборотни "онлайн" режимида киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги сувни исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Умумэътироф этилган халқаро талаб ва стандартларга, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда олий маълумотли малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Аджу университетининг (Корея Республикаси) **Тошкент шаҳрида Аджу университетини** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. **Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:**

мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболларига мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган янги таълим дастурлари ва ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛОҲИДА ТУРДАГИ ТОВАРЛАРНИ МАРКИРОВКАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ҳозирги кунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, шу жумладан, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфсиз бўлган мақбул сифатли товарларни сотиб олишда, шунингдек, товарлар ва уларнинг ишлаб чиқарувчилари тўғрисида ишончли маълумот олишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ноқонуний айланаётган, паст сифатли, контрафакт ва қалбакилаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг ошиши сурьатлари кузатилмоқда, бу эса фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказмоқда, носоғлом рақобатга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети йўқотишларига олиб келмоқда, шунингдек, коррупция ва бошқа қонунбузилишлар юзага келиши учун шароит яратмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАЛАРИ ТОРТИШУВЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

2018 йил 30 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар ишни "Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги қарорига мувофиқ тайёрланган бўлиб, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи давомида икки давлат раҳбарлари томонидан 2018 йил 17 августда Тошкент шаҳрида имзоланган шартномани ратификация қилишни назарда тутади.

Шартномага биноан, томонлар тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш ҳамда ўзаро ишонч принципларига таянган ҳолда, узоқ муддатли ва барқарор стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш мақсадини кўзлайди. Ҳужжатда давлатлараро муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари аниқ қамраб олинган. Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, инвестициявий, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳаларда икки томонлама манфаатли муносабатларнинг асосий принциплари ҳамда устувор йўналишлари белгилаб берилган.

➡3

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТУРИЗМ РИВОЖИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУР

Логистика, инфратузилма, меҳмонхоналар сонини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тармоқда кадрлар салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ қатор масалалар 2025 йилгача Ўзбекистонда Туризмни ривожлантириш концепцияси лойиҳасида ўз аксини топган.

Бироқ мамлакатимиз ҳудудлари, вазирликлар ва идоралар, жойлардаги сенаторлардан келаётган материалларни ўрганиш, шунингдек, экспертлар сўровидан кўриниб турибдики, ҳалигача туризм соҳасини барқарор ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар бор.

Хусусан, Ўзбекистон туристик брендини ташқи бозорларда танитиш бўйича ягона стратегия мавжуд эмас.

➡3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларидан самарасиз фойдаланилаётгани, шунингдек, жойлардаги асосий фондларни модернизация қилиш ва янгилаш лойиҳалари ишончли молиялаштирилмаётгани ускуна ҳамда техникаларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда тез ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Аҳоли пунктларида канализация тизимларини қуриш ва барпо этилаётган кўп квартирали уйларни уларга улаш масаласига лозим даражада эътибор берилмаяпти.

Замонавий бошқарув шакллари ва усуллари етарлича жорий этилмагани, кадрлар салоҳиятининг пастлиги сув таъминоти ҳамда канализация объектларини самарали бошқариш ва улардан фойдаланишни таъминлаш имконини бермаяпти.

Сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифатини, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, тўғридан-тўғри, авваламбор, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосида ишончли молиялаштириш манбаларини ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар сув таъминоти ва канализация тизимларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сув таъминоти ва канализация корхоналарини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида илғор хорижий тажрибани босқичма-босқич жорий қилиш;

сув таъминоти ва канализация соҳасида ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган замонавий ахборот ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, республикадаги барча истеъмолчиларни ичимлик сувини ҳисобга олувчи замонавий асбоблар билан жиҳозлаш;

тураржой комплексларини қуришда санитария талабларини, шу жумладан, маҳаллий тозалаш иншоотларини қўллаш орқали таъминлаш мақсадида канализация объектларини ичимлик суви таъминоти объектлари билан биргаликда лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ўзи тўлиқ қоплашини таъминлайдиган, сув таъминоти ҳамда канализация объектларини бошқариш ва улардан фойдаланишга хусусий секторни жалб қилиш имконини берадиган янги тариф сиёсатини ишлаб чиқиш орқали сув таъминоти ва канализация корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;

сув таъминоти ва канализация соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда, қуйидагиларни назарда тутувчи **2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида сув таъминоти ва канализация соҳасини ривожлантириш концепциясининг (кейинги ўринларда — Концепция) лойиҳасини** 2019 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

сув таъминоти ва канализация соҳасининг аҳволи ва уни ривожлантириш йўналишларини комплекс таҳлил қилиш;

аҳолини ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлашнинг мақсадли кўрсаткичлари;

сув таъминоти ва канализация объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш;

тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри, аввало, хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ечимлар, шунингдек, ичимлик сувини ҳисоблашнинг замонавий асбобларини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги икки ой муддатда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг техник кўмаги маблағлари ҳисобидан Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш ишларини молиялаштиришнинг аниқ манбаларини аниқласин.

3. Қуйидагилар:

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети доирасида марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳисобидан амалга ошириладиган **сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг манзилли дастури ва тармоқ жадваллари** 1.1 — 1.15-иловаларга мувофиқ;

2019 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган **сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг манзилли дастури ва тармоқ жадвали** 2.1-2.2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Жаҳон банкининг 2017 йил февраль ойида ўтказилган миссияси натижаларига кўра, Жаҳон банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 августдаги ПҚ–1610-сонли қарори билан тасдиқланган, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги **"Сирдарё вилоятининг Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминотини яхшилаш" лойиҳаси** бўйича 4869-UZ-сонли кредитни ёпиш муддати 2019 йил 30 июнга қадар узайтирилишини тасдиқлаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг **лойиҳани амалга ошириш муддатини 2019 йил 30 июнга қадар узайтириш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар қуйидаги лойиҳалар доирасида **юридик шахсларнинг ишлар ва хизматлар кўрсатишдан топилган даромадидан олинадиган фойда солиғидан** озод этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 16 апрелдаги ПҚ–1324-сонли қарори билан тасдиқланган "Навоий ва Бухоро вилоятлари туман марказларини туташтирган ҳолда Дамхўжа ҳудудлараро сув қувурини модернизация қилиш. Термиз шаҳрининг канализация тизимини реконструкция қилиш" лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июлдаги ПҚ–1378-сонли қарори билан тасдиқланган "Қўқон ва Андижон шаҳарларининг сув таъминоти ва канализация тизимини ҳамда Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Риштон тумани марказининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш" лойиҳаси.

6. Солиқ имтиёзлари бериш натижасида бўшаб қоладиган маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикасининг мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишга қўшган ҳиссаси эканлиги белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги "Тоза ичимлик суви" жамғармаси **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига** (кейинги ўринларда — Жамғарма) айлантирилсин ва унга канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш бўйича қўшимча вазифалар юклансин.

Жамғарманинг **248,1 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги дастлабки капитали қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилсин:

2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети доирасида сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ҳамда модернизация қилишга йўналтириладиган капитал қўйилмалардан **— 131,8 миллион АҚШ доллари** эквивалентида;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларидан **— 95,6 миллион АҚШ доллари** миқдорида;

2019 йил бошида белгиланадиган Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари, Тошкент шаҳар бюджети маблағларининг бўш қолдиқларидан **— 20,7 миллион АҚШ доллари** эквивалентида.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси 2019 йил 1 апрелга қадар сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари заёмларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишни молиялаштиришга комплекс ёндашув тизимини назарда тутган ҳолда, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда тасдиқласин;

сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳаларини Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизимида очиладиган ғазначилик шахсий ҳисоб рақами орқали молиялаштиришга рухсат берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда хорижий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, Тошкент шаҳри сув таъминоти ва канализация тизимини модернизация қилиш ва бошқариш лойиҳасини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш чораларини кўрсин;

2019 йил 1 апрелгача **Андижон, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида Швейцария Конфедерацияси Ҳукуматининг грантлари иштирокида амалга оширилган тажриба лойиҳалари** асосида сув таъминоти ва канализация объектларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг тажрибадан ўтказилган ушбу шаклларини бошқа қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам татбиқ этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йил 1 июлгача **Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Қарши шаҳарларида сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш** бўйича зарур ҳужжатларни тайёрласин ва **танлов ўтказсин**.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда канализация-тозалаш иншоотларида ҳосил бўлган қуйқалардан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида самарали фойдаланиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Сув таъминоти ва канализация соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар тегишли шартнома имзоланган санадан бошлаб 3 йил муддатга:

ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловларни;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларни олиб келишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

12. Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва ушбу низомда истеъмолчилар учун тарифлар хизмат кўрсатиш таннархини тўлиқ қоплаши, шунингдек, сув таъминоти ва канализация корхоналарини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатларини ҳисобга олиш имконини берадиган тартиб назарда тутилсин.

13. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурини шакллантиришда сув таъминоти ва канализация соҳасида халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга йўналтириладиган бюджет маблағларини назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сув захираларининг таъминланган дебети мавжуд бўлганда, табиий ҳамда сунъий сув ҳавзаларидан сув ресурсларини сув таъминоти ва канализация корхоналарига устувор тартибда етказиб берсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

ушбу қарор билан тасдиқланган **2019 йилги манзилли дастурга киритилган шаҳарлар, туман марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш учун сув захираларини аниқлаш бўйича гидрогеологик ишлар;**

3-иловага мувофиқ **2020 йилга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастури доирасидаги гидрогеологик ишлар** бажарилишини таъминласин.

16. Гидрогеологик ишларни ўтказмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ер ости ичимлик сувлари мавжудлиги ҳақидаги тегишли хулосасини олмасдан сув таъминоти объектларини қуриш тақиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

канализация хизматлари учун тарифларга миқдори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган **махсус устама пули белгилаш**;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2019 йил ва келгуси йилларда сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурларни мувофиқлаштириш ва бажаришни таъминлаш учун тўртта ҳудудлараро филиаллар негизида мамлакатнинг барча ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) **"Сув таъминоти ва канализация объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУКнинг ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

а) канализация хизматлари учун тарифларга махсус устама пул суммаси:

мақсадли тушум ҳисобланади ва барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди, шунингдек, сув таъминоти ва канализация корхоналарининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаи ҳисобланади;

б) 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, атроф-муҳитни ифлослантириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқиндиларни жойлаштириш учун компенсация тўловларининг канализация ташланмаларига тааллуқли қисм Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ундирилади ҳамда қуйидаги тарзда тақсимланади:

74 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига;

26 фоизи — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига.

18. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда **оқова сувлар нормадан ортиқ ташланишини ҳисобга олиш тизими, тўловчилар тўлиқ қамраб олингани, шунингдек, белгиланган йиғим миқдорларини танқидий таҳлил қилсин** ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

2019 йил 1 июнгача **2019 — 2021 йилларда ичимлик сувини ҳисобга олишнинг замонавий асбоблари ва тегишли ускуналарни харид қилишнинг молиялаштириш манбаларини аниқласин**;

2019 йил 1 июлгача аҳоли пунктлари ва сув таъминоти объектлари кесимида **2019 — 2021 йилларда ичимлик сувини ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш графиклари тасдиқланишини таъминласин**;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июлгача:

сув таъминоти ва канализация тизимлари объектларини модернизация қилиш, самарали бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш, шу жумладан, маҳаллий тозалаш иншоотларини жиҳозлаш бўйича **инвестиция лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш учун таклифлар тайёрланишини**;

сув таъминоти ва канализация объектларини, шу жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларидаги маҳаллий тозалаш иншоотларини бошқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатишга малакали хусусий оператор компанияларни (хусусий шерикларни) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кейинчалик жалб қилиш мақсадида **улар билан музокаралар ўтказилиши ва уларнинг очиқ рўйхати шакллантирилишини** таъминласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда сув таъминоти ва канализация корхоналарининг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини (қўшма факультетлар) очиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда:

сув таъминоти ва канализация объектларидан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклик шартномаларини тузиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин ҳамда бунда сув таъминоти ва канализация хизматлари учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тегишли келишувларда белгиланган даражадан паст бўлмаган тарифлар шакллантирилишини назарда тутсин;

сув таъминоти ва канализациянинг, шу жумладан, қишлоқ жойлардаги тизимларига хизмат кўрсатиш бўйича норматив ҳужжатлар ҳамда хусусий оператор компанияларни (хусусий шерикларни) танлаш механизмини, шартнома ва келишувларнинг намунавий лойиҳаларини, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувларда кўрсатиладиган техник ва молиявий кўрсаткичлар, шунингдек, улар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

д) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда **сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид барча зарур ахборотни киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона геоахборот тизимини жорий қилиш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин.**

20. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматовга — ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлашни қатъий назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмуродовга — халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб этиладиган маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни топиш ҳамда сув таъминоти ва канализация соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Кўчқоровга — ушбу қарорда назарда тутилган лойиҳаларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш, шунингдек, сув таъминоти ва канализация соҳасидаги лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш механизмлари сифатли ишлаб чиқилиши;

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М. Х. Солиевга — ушбу қарорда назарда тутилган объектлар лойиҳа ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланиши, уларнинг қурилиши ва ишга туширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

21. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов ва Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

мутахассислар, илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фан узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълим ҳамда илмий ҳамжамиятига интеграциялаш асосида ривожлантириш;

меҳнат бозорида мавжуд муаммо ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ўқитишнинг педагогик услублари ва технологияларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатлар, аввало, Корея Республикасининг етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, Аджу университети (Корея Республикаси):

Университетнинг ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

Университетнинг мутахассислари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг, шу жумладан, чет элда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

Университет кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техникавий адабиётлар билан тўлдириш, шунингдек, Аджу университети (Корея Республикаси) ресурслар базасидан фойдаланиш имкониятини тақдим этган ҳолда замонавий ахборот-ресурс марказини ташкил этишга кўмаклашади.

4. Белгилансинки:

Университет кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган асосий йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича барча даражадаги мутахассисларни, шу жумладан, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахс мақомига эга бўлган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Университетга абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Аджу университети (Корея Республикаси) томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Университет таълим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда Аджу университетининг (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширади;

Университетда ўқишни тамомлаган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Аджу университетининг (Корея Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Университетни молиялаштириш талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари, манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган техник кўмак маблағлари (грантлар), шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Университетга 2019/2020 ўқув йили учун қабулни ташкил этиш, шу жумладан, бино ва иншоотларни ўқув йилига тайёрлаш бўйича таъмирлаш-қурилиш ишлари, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва мослаштириш, ўқув ва илмий лабораторияларни харид қилиш, ўқитиш бўйича зарур ахборот-коммуникация тизимларини яратиш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2019/2020 ва 2020/2021 ўқув йилларида ўқишга қабул қилинган талабалар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун улар Университетни тамомлагунига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан контракт суммасининг республикадаги бошқа давлат олий таълим муассасаларида тегишли таълим йўналишларида ўқитиш қиймати миқдоридан ортиқ қисмини тўлаб бериш кўринишида давлат кўмаги (кейинги ўринларда — давлат кўмаги) тақдим этилади, контракт юридик шахслар — салоҳиятли иш берувчилар томонидан тўланиши ҳоллари бундан мустасно;

давлат кўмаги тақдим этилган Университет битирувчилари республиканинг давлат ташкилотларида камида уч йил ихтисослиги бўйича ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади.

6. **Тошкент шаҳридаги Аджу университети Васийлик кенгашининг** (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Университет фаолиятининг ташкил этилишини таъминлаш, унинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ **ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этиш**;

Университет фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича Аджу университети (Корея Республикаси) раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарур лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, Университетни жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлашга доир графикларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университет фаолиятини ташкил этиш бўйича тасдиқланган графикларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам назорат ва мониторинг олиб бориш;

таълим жараёнини, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини тизимли равишда ошириш, Университет битирувчиларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозорининг кейинги ривожини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш;

Аджу университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб **2019/2020 ўқув йилида ва кейинги йилларда Университетга қабул қилиш квоталарини ва ўқиш учун контракт суммасини белгилаш**;

Университет фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун хайрия маблағлари, техник кўмак маблағларини (грантларни) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

Университетнинг моддий-техника, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, Университетнинг ижтимоий ва маиший инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш;

талабаларни, энг аввало, етим болалардан ва ота-она васийлигисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, иқтидорли талабаларни ўқитиш учун стипендиялар ажратиш, талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва уларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини фойдали ташкил этиш, шунингдек, талабаларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

махсус стипендиялар бериш орқали Аджу университетига (Корея Республикаси) ва соҳага ихтисослашган хориждаги бошқа етакчи таълим муассасаларига стажировка ўташга юбориш учун энг истиқболли талабаларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш.

7. Васийлик кенгаши Аджу университети (Корея Республикаси) билан келишган ҳолда:

а) бир ой муддатда:

Университет Уставини тасдиқласин, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Университетнинг тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2019/2020 ўқув йили бошлангунига қадар Университетни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасаларида фойдаланиладиган зарур ўқув-методик мажмуалар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Аджу университетининг (Корея Республикаси):

Университетда **2019/2020 ўқув йилида бакалавриатнинг "Архитектура", "Электротехника" ва "Қурилиш инжиниринги" таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш**;

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Аджу университетининг (Корея Республикаси) магистратура мутахассисликлари бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Иқтисодиёт ва бизнес олий мактабини очиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Университетга:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Аджу университети (Корея Республикаси) билан келишган ҳолда бакалавриат ва магистратуранинг янги истиқболли таълим йўналишлари ва мутахассисликларини, шу жумладан, Аджу университети (Корея Республикаси) стандартлари асосида кўп тармоқли клиника, илмий-тадқиқот лабораториялари ва диагностика марказига эга тиббиёт факультетини белгиланган тартибда очиш;

Университетга ўқитувчилик қилиш ва илмий иш олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ҳамда транспорт харажатларига тузиладиган шартномалар асосида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Н. Арипов) бир ой муддатда Тошкент шаҳрида жойлашган касб-ҳунар коллежларидан бирининг бино ва иншоотларини Университетга бепул фойдаланиш учун берилишини таъминласин.

11. Университет 2021 йил 1 декабрга қадар муддатга Университетни жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш, шунингдек, унинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, компьютер ва оргтехникалар, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарь ва бошқа моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Университет буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Университет буюртманомаларига биноан Университетнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақт

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АЛОҲИДА ТУРДАГИ ТОВАРЛАРНИ МАРКИРОВКАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Алоҳида турдаги товарларнинг республикага ноқонуний олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш, уларнинг самарали ҳисобини таъминлаш, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг **2019 йилнинг 1 августидан бошлаб, товарлар тоифасидан келиб чиқиб, импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган товарларни ҳимояланган белги ва (ёки) нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкалашни** (кейинги ўринларда — маркировкалаш) **босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин.

2. **Маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхати** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда Маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхатини тўлдиришга рухсат берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мажбурий маркировкалаш жорий этилган санадан бошлаб, мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маркировкасиз сотиш тақиқланади;

Маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхатига янгидан қўшилган товарларни, ушбу товарлар рўйхатга киритилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида маркировкасиз сотилишига рухсат этилади;

мазкур қарорга иловада кўрсатилган, шу жумладан, акцизли товарларни маркировкалашга доир хизматларни бевосита маркировкалаш бўйича хизматлар ягона етказиб берувчисидан сотиб олиш хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 январига қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, товарларни ҳимояланган белги ва нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкалаш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин:

маркировкалаш бўйича хизматлар етказиб берувчиси, тадбиркорлик субъектлари ва товарларни мажбурий маркировкалашга доир талаблар бажарилиши устидан назоратни таъминловчи органларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини;

маркировкалаш тартиби ва тартиботларини, маркировкалаш, шу жумладан, акцизли маркировкалаш хизматларининг баҳоси ва сотиб олиш тартибини;

маркировкалаш бўйича хизматлар етказиб берувчиси маълумотлар базасидан фойдаланадиган давлат органлари рўйхатини;

маркалар, шу жумладан, акциз маркалари сотилиши ва маркировкалаш бўйича хизматлар кўрсатилиши устидан мониторинг қилиш тартибини.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2019 йилнинг 1 февралига қадар энг яхши таклифларини саралаб олиш асосида кўрсатиладиган хизматлар ишончлилиги ва сифатини, юқори ҳимояланган даражасини таъминлай оладиган, амалий тажрибага эга бўлган маркировкалаш бўйича хизматлар етказиб берувчисини танлашни, маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар қийматининг сезиларли оширилмаслигини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган етказиб берувчи билан музокаралар ўтказилишини таъминласин, шунингдек, у билан тузилаётган шартнома бутун муддати давомида кўрсатиладиган хизматлар баҳосини қатъий белгилаган ҳолда 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга шартнома тузсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига жарима санкциялари миқдорларининг оширилишини киритган ҳолда товарларни маркировкасиз сотганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзшаробсаноат" АЖ, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 ноябрь

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАЛАРИ ТОРТИШУВЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

1

Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кенг кўламда эътироф этилаётган яқин қўшничилик, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсати билан йўғрилган ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга, икки томонлама алоқаларни кучайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар "Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги (Женева, 1971 йил 29 октябрь), "Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги (Женева, 1996 йил 20 декабрь) ҳамда "Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномасига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Ушбу муҳим қонун лойиҳалари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15 — 17 май кунлари АҚШга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат раҳбарларининг қўшма баёнотида Ўзбекистон томонининг ушбу шартномаларга аъзо бўлишини кўзда тутувчи бандлари ҳамда мамлакатимиз Президентининг ташриф якунлари бўйича имзолаган тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу халқаро шартномалар ва конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар интеллектуал мулкка оид муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро талаблар Ўзбекистон томонидан аниқ ва сўзсиз ижро этилишини таъминлашнинг эътирофи бўлиб, адабий ҳамда бадиий асарлар муаллифлари, ижрочилар ва уларнинг фонограммаларини такрорлаш борасидаги ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган.

Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ҳужжатларга қўшилиши тобора глобал аҳамият касб этиб бораётган масала — муаллифларнинг санъат, ўз адабий ва бадиий асарларига бўлган ҳуқуқларининг муҳофаза қилинишини таъминлашга, пировардида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги имиджини янада яхшилашга хизмат қилади.

Шундан сўнг мажлисда депутатлар "Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, кейинги пайтда суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Эътиборлиси шундаки, бу ўзгаришлар соҳанинг барча жиҳатини, шу жумладан, давлат божи миқдорини мақбуллаштириш ва суд харажатларини суд процессининг барча иштирокчиси ўртасида адолатли тақсимлаш масалаларини ҳам қамраб олган.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси бу борада фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат этишда давлат божи ставкалари камайтирилганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритишни назарда тутади. Парламент аъзоларининг фикрича, ушбу янгилик фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий, маъмурий судларга даъво аризалари киритилганда низоларнинг тааллуқлилигидан келиб чиқиб, бож ундириш объектларини алоҳида белгилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мажлис кун тартибидаги "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Таъкидланишича, мазкур қонун лойиҳасининг мақсади атмосфера ҳавосини муҳофазалаш борасидаги норматив-ҳуқуқий, иқтисодий механизм ва воситаларни такомиллаштириш, қонунбузилишлар натижасида қўлланиладиган иқтисодий чоралар тизимини ривожлантириш, соҳада жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг манфаатларини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни яратишдан иборат.

Парламент қуйи палатасининг аввалги мажлисида ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари айнан ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан, тадбиркорликни тараққий эттиришга тўсиқ бўлишини таъкидлаган ҳолда, тадбиркорлар манфаатларини фаол ҳимоя қилиб чиққан эди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатларнинг мазкур эътирозлари инобатга олиниб, лойиҳа янада такомиллаштирилди. Бунда, биринчи навбатда, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишдаги махсус ваколатли давлат органларининг ушбу соҳадаги назорат функциялари ва ҳуқуқларига аниқлик киритилди. Шу билан бирга, фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқлаштирилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул



Қайд этилишича, мамлакатимизда чет эл валютасини айирбошлаш эркинлаштирилгандан буён соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамай, хорижий валютанинг қонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ошиб бормоқда. Шуни инобатга олган ҳолда тайёрланган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 170-моддаси, Жиноят кодекси 177-моддасининг санкциясига ўзгартиш киритиш орқали валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун жазо чораларини белгилаш ҳамда жарималар миқдорини ошириш кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши бу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини кучайтиришга, аҳоли томонидан чет эл валюталарини айирбошлаш шохобчалари орқали харид қилиш даражасини оширишга, иқтисодиётдаги мавжуд хуфиёна секторга бархам беришга ва чет эл валютасининг назоратсиз чиқиб кетиш йўлларини бартараф этишга ёрдам беради.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги Фармонига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Унга кўра, Департамент Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил қилинган, унинг иқтисодий жиноятлар ва коррупция, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштириш ҳамда оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги асосий вазифалари ва функциялари белгиланган.

Лойиҳа билан 19 та қонун ҳамда 5 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Уларда Департаментнинг номи, унинг вазифа ҳамда функцияларининг ўзгариши, халқаро стандартлар асосида оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш, идентификациялаш, таваккалчиликларни баҳолаш, уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва таъминлаш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар жавобгарлигини ошириш ҳамда улар фаолияти устидан назоратни кучайтириш каби бир қатор муҳим ўзгаришлар акс этган.

Мажлисда депутат Ш. Полвонов сўзга чиқиб, 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича маълумот берди. Қайд этилишича, парламент Қонунчилик палатаси ҳамда унинг қўмиталари томонидан ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017 йил ва жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 33 та парламент эшитуви ўтказилди, 6 та парламент сўрови юборилди ҳамда қўмиталар томонидан 66 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Шунингдек, ҳисобот даврида қўмиталар томонидан қонун ҳужжатларининг ижро ҳолатини ўрганишга қаратилган 50 дан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ушбу масала бўйича тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг таклифига асосан, мажлис кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси ҳақида"ги ахборотини эшитиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

2017 йил ва жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида 33 та парламент эшитуви ўтказилди,

6 та парламент сўрови юборилди.

Қўмиталар томонидан

66 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди,

Қонун ҳужжатларининг ижро ҳолатини ўрганишга қаратилган 50 дан зиёд тадбирлар ўтказилди.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

иқтисодий тараққиётимизни нечоғлиқ жадаллаштира олади?

Тошкент шаҳрида "2019 — 2021 йилларга мўлжалланган тизимли ислоҳотлар асосий йўналишларининг "йўл харитаси" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тақдимот

Келгуси уч йилга мўлжалланган ислоҳотлар бўйича "йўл харитаси" Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари томонидан Жаҳон банкининг ишчи гуруҳи билан биргаликда ишлаб чиқилгани айтилди. У бешта асосий йўналишни қамраб олган. Булар — макроиқтисодий барқарорликка эришиш, рақобатдош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга хизмат кўрсатишни кучайтириш, кучли бозор иқтисодиётида давлатнинг ролини ошириш, атроф-муҳитдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Нью-Йорк университетининг (АҚШ) Стерн бизнес мактаби профессори, Нобель мукофоти соҳиби Майкл Спенснинг тадбир иштирокчиларига йўллаган видеомурожаатидаги Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар, олиб борилаётган шиддатли ислоҳотлар, ундан кутилаётган самаралар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, шунингдек, тавсиялари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Анжуманда қайд этилишича, макроиқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларига эришиш учун 30 та устувор вазифа бўйича қарийб 40 та дастур, концепция, стратегик "йўл харитаси" ишлаб чиқилади. Бунда молия бозорини, савдо сиёсати ҳамда экспортни янада либераллаштириш, авиация секторини ислоҳ этиш ва АКТ соҳасини ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирларга жиддий эътибор қаратилади. Шу билан бирга, хусусий сектор фаолиятидаги муҳим чекловларни олиб ташлаш, қулай бизнес ҳамда инвестиция муҳитини яратиш, монополияга қарши курашишни изчил давом эттириш кўзда тутилган. Бу жараёнда янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аграр соҳани диверсификация қилиш, сув таъминоти ҳамда энергия манбаларини ривожлантириш каби масалалар ҳам эътибор марказида бўлиши қувонарлидир.

Ушбу тадбирлар халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шу маънода, форумда иштирок этган Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари узоқ муддатли кредит ресурслари ажратиш, ҳамкорлик портфелини янада мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдиришгани Ўзбекистонга бўлган ишонч ортиб бораётганининг яна бир амалий тасдиғи, дейиш мумкин.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Лилия БУРУНЧУК, Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори:

— Жаҳон банки Ўзбекистон танлаган иқтисодий ривожланиш йўлини қўллаб-қувватлайди ва белгилаб олинган устувор вазифалар ижросига ҳар томонлама кўмак беришга тайёр. Хусусан, келгуси уч йилга мўлжалланган дастурий ҳужжатдан ўрин олган соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, молия ҳамда ижтимоий соҳалар бўйича аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар ижроси юзасидан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Дэнни ЛЕЙПЦИГЕР, Жорж Вашингтон университети профессори (АҚШ):



— Ушбу ҳужжатни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этдим. "Йўл харитаси"да давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш, давлат улушига эга корхоналарни ислоҳ қилиш ҳамда товар ва хизматлар нархларининг иккиламчи тартибини бартараф этиш билан шуғулланувчи хусусий сектор ҳамкори кўринишига алмаштириш режалаштирилгани эътиборга лойиқ. Буларнинг барчаси кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилади, албатта.

ТУРИЗМ РИВОЖИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУР

1

Кириш визалари бекор қилинганидан кейин туристлар оқими кўпайгани туризм билан боғлиқ бюрократик тартиб-таомилларни эркинлаштиришга қаратилган фаолиятни давом эттириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Айниқса, хорижлик меҳмонлар учун Ўзбекистондан жойларни банд қилиб қўйишнинг халқаро тизимлари билан интеграциялашувнинг йўқлиги, авиа ва темир йўл чипталарини онлайн харид қилиш тизими йўлга қўйилмагани, умуман, шаҳарлараро автобуслар қатновининг йўқлиги тармоқни ривожлантириш йўлидаги жиддий тўсиқлар ҳисобланади. Шу муносабат билан меҳмонхоналар, ресторанларда жойни захира қилиб қўйиш ва банд этиш бўйича замонавий механизмлар ҳамда технологик ечимларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Долзарб муаммолар ва уларни амалиётда самарали ҳал этиш билан боғлиқ аниқ таклифлар Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида ўрганилди.

Қўмита аъзолари томонидан мавзуга алоқадор масъуллар — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва қатор манфаатдор идораларнинг 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сўнгги йилларда тармоқни қайта ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, миллий туризм маҳсулотларини диверсификациялаш, сайёҳларни жалб қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди. Қатор мамлакатлар билан виза режимини соддалаштириш юзасидан тизимли, режали фаолият йўлга қўйилди. Натижада мамлакатга хориждан сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошаётгани кузатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўн ойи давомида мамлакатимизга 4,4 миллион турист ташриф буюрди.

Аммо юқорида айтиб ўтилганидек, қилинадиган ишлар кўп. Хусусан, малакали кадрлар етишмаслиги зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган яна бир масаладир. Бу туризм соҳасида узлуксиз таълимнинг кўп босқичли тизими йўқлиги, эскирган ўқув режалари ва дастурлари қўлланилаётгани, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш даражасининг етарли эмаслиги билан изоҳланади. Мутахассислар туризм-рекреацион кўринишидаги алоҳида иқтисодий зоналарни ривожлантириш негизида таълим кластерларини шакллантириш, саёҳат индустрияси профессионал иштирокчилари билан биргаликда ўқитиш тизимларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифларни ўртага ташлашди.

Якунда билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрганилиши ва тегишли тарзда "йўл харитаси"га киритилиши маълум қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА.

Тоғ чанғиси: «МУЗЛАГАН» МУНОСАБАТ

Муаммо ва ечим.

Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби катта тренери Лариса Вороновадан юртимизда тоғ чанғиси қай даражада оммалашгани, унинг бугунги аҳволи ҳақида сўраганимизда, дастлаб қизиқ бир ҳолатни айтиб қолди.

— Халқаро мусобақаларга борганимизда айримлар бизнинг Марказий Осиёдан, Ўзбекистондан эканимизни эшитиб, "Нима, сизларда ҳам тоғ чанғиси борми?" деб таажжубланади, — дея сўз бошлади мутахассис. — Чунки аксарият хорижликларнинг тасаввурида бизнинг ўлка, асосан, қуруқликдан иборат, юқори ҳарорат, туялар... Тушунча шундай.

Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИГА

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўтган йиллар давомида наинки тоғ чанғиси, умуман, қишки спорт турларини ривожлантириш борасида ҳам анча орқада қолдик. Уларга деярли эътибор қаратилмади. Бу йўналиш қишга хос атама билан айтганда, "музлади". Тўғри, тоғ чанғисида аҳвол бир оз яхшидек туюлар. Масалан, ўтган даврни бир сарҳисоб қилсак, вакилларимиз турли даражадаги халқаро мусобақаларда 108 та медални қўлга киритган. Шундан 35 таси — олтин. Бироқ жаҳондаги энг нуфузли спорт тадбири — қишки Олимпия ўйинларидаги натижаларимизга эътибор қаратсак, кўп нарса ойдинлашади. Қаранг, Олимпиададаги биринчи ва охирги ғалабага бундан роппа-роса 24 йил (!) олдин, 1994 йил Лиллехаммер (Норвегия)да эришганмиз. Ўшанда ҳамюртимиз Лина Черязова фристайл (чанғи акробатикаси) бўйича олтин медалга сазовор бўлганди. Қачон қишки спорт туридан сўз очилса, ана шу муваффақиятни эслаймиз. Ахир орадан қанча вақт ўтди?!

Гарчи вакилларимиз қишки Олимпия ўйинларида мунтазам иштирок этиб келаётган бўлса-да, улар худди бокс, дзюдо ёки якка курашдаги каби ушбу йирик спорт анжуманига ўнталаб спортчи билан бораётгани йўқ. Бор-йўғи, бир-иккитаси қатнашади. Жорий йил Жанубий Кореяда бўлиб ўтган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси бунга яққол мисолдир. Унда фақат тоғ чанғиси ва конькида фигурали учишда иштирок этдик. Бу натижа билан ўзимизни оқлай олмаймиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, йирик мусобақаларда қатнашиб, совриндор бўла оладиган спортчиларимиз йўқми? Ахир қишки спорт турлари, жумладан, тоғ чанғисига қизиқадиган ёшларимиз кўп-ку! Муаммонинг асл сабаби нимада?

— Тоғ чанғиси бўйича терма жамоамизда 25 нафар спортчи бўлса, улар орасида истеъдодлилари кўп, — дейди Л. Воронова. — Бу спорт билан шуғулланиш учун барча шароит бор. Юртимизда ёғадиган қор сирпанчиқ, майин, содда қилиб айтганда, тузилиши яхши. Лекин бошқа бир жиддий муаммо бор. Гап шундаки, қатор давлатлар спортчилари йил давомида машғулот ўтказса, бизда бунинг сира иложи йўқ. Сабаби қорли кунларимиз жуда кам. Атиги уч ой давомида Билдирсой, Чимён тоғ тизмаларида шуғулланамиз.

Мутахассиснинг айтишича, қор ёққанда ҳам унинг ҳажми етарли

даражада, аниқроғи, ярим метрдан кам бўлмаслиги керак. Шунда у махсус машина билан текисланиб, тайёрланади. Бироқ ана шу жараёнда яна бир муаммога дуч келинади. Маълумки, чанғичилар катта тезликда ҳаракатланади. Унда жароҳат олиш хавфи юқори. Шу боис машғулот пайтида трассани ёпиш зарур. Бегона кишиларни йўлатмаслик талаб этилади. Аммо бу ҳам қийин масала. Негаки, ушбу ҳудудлар туристик зона ҳисобланади. Дам олиш кунлари эса бу ерга юртдошларимизнинг ташрифи кўпаяди.

Устига-устак, ушбу спорт турида трассалар бир-биридан фарқ қилади. Ҳар гал мусобақаларда бутунлай бошқача тоғ тизмаларига дуч келинади. Унга, қолаверса, иқлимга ҳам мослашиш мураккаб. Демак, бундан чиқадиган хулоса битта: спортчи йил давомида тоғларда тайёргарлик машғулотларини олиб бориши лозим. Шунда ундан натижа кутса бўлади...

Таъкидлаш керакки, сўнгги пайтларда мамлакатимизда қишки спорт турларини янада ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ҳужжатга асосан, мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан, спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт тури бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш белгиланган.

2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ҳамда Фарғона вилоятларида давлат-хусусий шерикчилиги асосида муз қопламали, енгил конструкцияли муз саройлари қурилиши режалаштирилган. 2020-2021 йилларда эса худди шундай мажмуалар Самарқанд, Хоразм ва Андижон вилоятларида бунёд этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, айнан тоғ чанғиси спорти бўйича ихтисослаштирилган мактаблар ҳам қад ростлайди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, қишки спорт турлари бўйича тўртта федерация ташкил этилди. Булар — Хоккей федерацияси, Фигурали учиш ва шорт-трек федерацияси, Кёрлинг федерацияси ва Чанғи спорти федерацияси. Улар таркибига, шунингдек, сноубординг, тоғ-чанғи спорти, фристайл, чанғида трамплиндан сакраш ва бошқа қишки спорт турлари киради. Эндиликда спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш масаласига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда.

— Дарҳақиқат, қишки спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоаларининг Олимпия ўйинларига тизимли тайёргарлигини ташкил этиш, жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизимини йўлга қўйиш, терма жамоалар таркибида юксак малакали спорт захирасини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси тайёрланиб, тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан келишилди, — дейди Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Олий спорт ютуқлари бошқармаси бошлиғи Баҳодир Маматназаров. — Унга асосан, қишки спорт турлари бўйича ўқув-машғулот жараёнида илмий-услубий технологияларни такомиллаштириш, терма жамоаларни тайёрлашда юқори натижаларга эришган ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўқув-машғулот жараёнининг ўқув-услубий ҳамда илмий-услубий комплексини ишлаб чиқиш учун олимлар, ўқитувчилар, шифокорлар, физиологлар, диетолог ва етакчи спорт мутахассисларидан ташкил топган комплекс илмий гуруҳлар тузилиши режалаштирилган.

Қолаверса, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида қишки спорт турлари бўйича бакалавриат таълим йўналиши очилади. Айни пайтда Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университетининг юртимиздаги филиалини ташкил этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилаётир. Спортчиларимиз ҳамда тренерларга Россиядаги қишки спорт турларига ихтисослаштирилган базаларда шуғулланиш имконияти яратиб берилади. Бу саъй-ҳаракатлар кутилган натижаларни беради, деган умиддамиз.

Дарвоқе, "Amirsoy" тоғ-чанғи курорти ҳам шу йўналишдаги энг катта лойиҳа ҳисобланади. У Бўстонлиқ туманидаги Тянь-Шань тоғ тизмаларида жойлашган бўлиб, Европа талаблари даражасига мос қилиб бунёд этилмоқда. Ташкилотчиларнинг айтишича, ушбу масканда осма дор йўллари (канатлар), сноуборд парки, спорт мактаби ва бошқа курорт инфратузилмалари жойлашади. Айни пайтда қурилиш ишлари илғор ҳамда инновацион технологиялар асосида олиб борилаётган мазкур лойиҳа уч босқичда амалга оширилади. Жорий йил декабрь ойида биринчи босқичи якунланиб, очилиши кўзда тутилган.

Умуман, бундай чора-тадбирлар мамлакатимизда қишки спорт турлари ривожини юқори босқичга олиб чиқиши, янги иқтидорларни кашф этишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Сўзимиз сўнгида бир далилга эътиборингизни қаратмоқчимиз: жаҳон тажрибасига назар солсак, тоғ-чанғи спортида етакчи атлетлар ўзининг мукаммал спорт формасига, катта зафарларга 27-28 ёшида эришган экан. Бу йўналишни танлаган спортчиларимизнинг кўпчилиги ҳали навқирон эканлигини инобатга олсак, ҳали вақт бор. Демак, улкан ютуқларимиз олдинда.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ.

Янгилик

БУГУНДАН ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ ОШАДИ, НАРХИ ЭСА ПАСАЯДИ

Бугундан бошлаб "Ўзбектелеком" АК янги кафолатланган чексиз интернет тариф режаларини тақдим этади. Хусусан, юртимизда биринчи марта 2 Мбит/с тезликка эга кафолатланган чексиз интернет нархи ойига 88 минг сўмни ташкил қилади. Бу олдинги шундай тариф режасидан 2 баробардан кўпроқ арзонроқдир. Қолаверса, энди тариф режаларида "гача" қўшимчаси бўлмайди. Бу танлаб олинган тезликнинг кафолатланишини англатади. Мисол учун, сиз 1 Мбит/с тариф олсангиз, айнан 1 Мбит/с барқарор тезликдаги интернетдан фойдаланасиз.

Ўз навбатида, интернет хизматларининг минтақавий бозорини ривожлантириш мақсадида операторлар ва провайдерлар учун интернет-каналда тариф баҳоси йил бошидан буён 3 марта пасайтирилди. Хусусан, 2018 йил 10 июлда Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ)га уланган операторлар ҳамда провайдерлар учун ташқи интернет-канал тарифларининг 1 Мбит/с нархи 224 958 сўмдан 169 459 сўмгача туширилган бўлса, бугундан 85 минг сўм бўлади. ХПКМ комплексларининг умумий ўтказиш қобилияти эса 110 Гбит/с дан 1200 Гбит/с гача, яъни ўн баробар ўсди.

"Ўзбектелеком" АКнинг Сотувлар ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича бошқармаси бошлиғи Алишер Зуфаровнинг айтишича, бугундан интернет тезлиги ошганини симли интернетдан фойдаланувчи барча абонентлар сезишади.

Хўш, нархларнинг туширилиши ва тезликнинг оширилиши фақат "Ўзбектелеком" ҳамда унинг "Uzonline" провайдери учун хосми ёки бошқа интернет провайдерлар ҳам бунга амал қиладими? Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаров бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи билан амалга оширилаётгани ва унга барча провайдерлар амал қилиши лозимлигини таъкидлади.

Айни чоғда кичик ҳамда ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлар учун махсус тариф режалари тақдим этилади. 1 декабрдан "Uztelecom" абонентлари учун "Teznet Business" ва "Tadbirkor" янги тариф режалари серияси жорий этилади.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни

СОҒЛОМ ТУРМУШ — БАХТЛИ ҲАЁТ

✓ Бу кунни нишонлаш таклифи 1987 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ОИТСга қарши кураш дастурининг жамоатчилик билан ишлаш бўйича мутахассислари Жеймс Бунн ва Томас Неттер томонидан илгари сурилган. ОИТСга қарши кураш дастури директори бўлган Жонатан Манн мазкур ғояни қабул қилади ва илк бор 1988 йилда 1 декабрь санаси "Халқаро ОИТСга қарши кураш куни" сифатида нишонланди.

✓ 2013 йил 23 сентябрда "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.

✓ Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 22 июндаги "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари асосида мамлакатимизда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, беморларда касалликни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даво чораларини ўтказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИНГ ВА ОЛТИН ИЗЛАШНИ БОШЛАНГ

Ўзбекистон — қимматбаҳо металл захираларига бой мамлакат. Ҳозирги кунда юртимиз олтин захиралари бўйича жаҳонда учинчи, уни қазиб олиш бўйича эса тўққизинчи ўринда эканлиги бунинг далилидир. Энди тадбиркорларга ана шундай ер ости бойликларини қазиб олиш билан шуғулланиш учун давлат томонидан катта имкониятлар берилмоқда.

Унинг тартиби Президентимизнинг "Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида мустаҳкамланди.

Маълумотларга кўра, бугун Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ноқонуний равишда қимматбаҳо металларни қазиб олиш тизимли тус олган бўлиб, уларнинг яширинча айланиши ва чет элларга олиб чиқиб кетилиши ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу бизнинг, яъни халқнинг ризқи кесилятпти, бойлигимиз ўзгаларнинг чўнтагига тушяпти, деганидир.

— Ноқонуний йўл билан йилига ўртача 1 тоннагача олтин қазиб олиняпти, — дейди Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқарма бошлиғи Ҳайитбой Омонов. — Айни мавсум чоғида 10 минг киши шу иш билан шуғулланмоқда. Бу эса давлатимиз иқтисодиётига жиддий зиён етказяпти.

Қарорда соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш назарда тутилган бўлиб, 2019 йилнинг 1 мартидан қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини тадбиркорлик таваккалчилиги асосида амалга оширишга рухсат бериладиган бўлди.

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш билан шуғулланишни истаган юридик ва жисмоний шахсларга ер қаъри участкалари, шу жумладан, ўлчамлари 1 гектардан ортиқ бўлмаган майдонда сочма олтин конлари тақдим этилади. Бунинг учун улар "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида ўтказиладиган электрон аукцион орқали олинадиган лицензияга эга бўлишлари лозим. Тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган ер қаъри участкалари рўйхати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаб борилади.

Шу пайтгача ноқонуний йўл билан йилига ўртача 1 000 килограммгача олтин қазиб олинган.

Юртимизнинг Консой, Темирқобиқ, Каттаич, Соп, Кескан, Оқчобсой номли конларининг 590 гектардан ортиқ майдонларида 3 минг килограммдан зиёд олтин захиралари ҳисобга олинган. Тадбиркорлик субъектларига Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида жойлашган Ауминзатов, Томди, Нурота, Зиёвуддин ва Малгузор тоғ тизмаларидаги тахминан 75 ярим минг гектардан ортиқ майдондаги истиқболли ҳудудларни тақдим этиш кўзда тутилган. Бу манзилларда қимматбаҳо металл, жумладан, олтин қазиб олиш билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари учун уни реализация қилиш — муҳим масалалардан бири. Чунки тадбиркор, аввало, даромад кўриш ҳақида бош қотиради. Демак, унинг қазиб олган олтинларини сотиб олиш учун харидор керак. Ҳужжатга мувофиқ, харидор вазифасини Навоий, шунингдек, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ҳамда заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш субъектлари бажарадиган бўлди.

Қазилма ишлари билан шуғулланиш — ўзига хос хавф-хатар ҳам демакдир. Шу сабабли, бу борада тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида мажбурият ва талаблар белгилаб қўйилди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тез орада қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилади, унда қазиб олиш ишларига жалб этиладиган тадбиркорларга қўйиладиган тартиб-тамойиллар ҳамда яратиладиган шароитлар аниқ маълум қилинади.

Қимматбаҳо металларни қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун тўланган пул маблағларининг муайян қисми ўша жойлардаги туман ва шаҳарларнинг маҳаллий бюджетларига ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг махсус ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтказиб борилади. Бу, ўз навбатида, ҳудудлардаги инфратузилмани ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш каби мақсадларга хизмат қилади.

Қисқаси, қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчилар сонининг ортиши натижасида инфратузилма ривожланмаган тоғли ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ҳам кенгаяди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигида долзарб аҳамият касб этади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

ОВОЗСИЗ КОМЕДИЯ

Бухорода машҳур немис кинорежиссёри Эрнст Лудичнинг "Қўғирчоқ" овозсиз комедияси намойиши бўлиб ўтди.

Санъат

Суратга олинганига салкам юз йил бўлган мазкур фильмнинг экран ёнида ижро этиладиган мусиқа нотаси суронли йилларда йўқолиб қолган. Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси таклифига кўра, "Сўғдиёна" ўзбек миллий чолғулари камер оркестри бадиий раҳбари ва дирижёри, профессор Феруза Абдураҳимова шу овозсиз картинага куй басталади. Фильм намойиши чоғида камер оркестри ижросида асар мазмунига ҳамоҳанг ушбу тароналар янгради.

Ўзбек — немис ижодий ҳамкорлигининг ўзига хос намойишига айланган кеча томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА

«Uz-Prista» МЧЖ ҚК

МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

www.prista-oil.com

«Prista® Oil Holding EAD» Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Марказий Осиё ҳамда Шимолий Африканинг 45 дан ортиқ давлатларида фаолият юритувчи етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Ушбу компаниянинг ишлаб чиқариш қувватлари энг янги замонавий ва инновацион технологиялар асосида қурилган. Маҳсулот турининг хилмахиллиги ўз тадқиқотларимиз ва «Chevron», «Gulf Oil Marime», «Lubrizol» ҳамда дунё миқёсидаги бошқа етакчи компаниялар билан ҳамкорлик маҳсулидир.

«Prista® Oil Holding EAD» компанияси Болгария, Венгрия ва Ўзбекистонда заводларга эга бўлиб, у ерда мотор мойи, антифриз, мойлаш материаллари ҳамда махсус суюқликлар ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида «Uz-Prista» МЧЖ қўшма корхонаси (Ўзбекистон) минтақавий дилерлар танловини эълон қилади.

Агар сизда қизиқиш уйғонган ва ушбу соҳада тажрибангиз бўлса, шу йўналишда ривожланишни истасангиз **2018 йил 1 декабрдан 25 декабргача** ўтказиладиган танловга info@prista-oil.uz / telegram: +99890-997-73-44 манзили орқали ариза топширишингиз мумкин.

Танловда қатнашиш учун сиз:

— компаниянгиз бизнеси ва фаолият соҳаси, тарихи ҳақида қисқача презентация;

— истиқболда ўзингиз ҳамкорлик қилмоқчи бўлган минтақада савдони кучайтириш бўйича концепциянгизни тақдим этишингиз лозим.

Эркин ривожланиш минтақалари:

- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти;
- Гулистон шаҳри ва Сирдарё вилояти;
- Навоий шаҳри ва Навоий вилояти;
- Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилояти.

Маҳсулот сертификатланган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 01.25 1 3 4 5 6